ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 18 » январь № 21 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 5 июндаги ПФ–6005-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказида кинологларни тайёрлаш, хизмат итларини ўргатиш ва сотиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария соҳасида пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

божхона органларида кинология хизматини такомиллаштириш, Марказда наслчилик ишлари самарадорлигини тубдан ошириш, кинологлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, хизмат итларини тайёрлаш ҳамда ушбу йўналишда кадрлар салоҳиятини юксалтириш, шунингдек, мазкур соҳада самарали халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича биринчи галдаги устувор вазифаларни назарда тутувчи **2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси** 1-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича **“йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказида кинологларни тайёрлаш, итларни ўргатиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказидаги хизматга яроқсиз итларни сотиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгиланснки, Марказ томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пулли хизматларни кўрсатиш Марказ ҳудудида алоҳида ташкил этиладиган ветеринария клиникаси орқали амалга оширилади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 18 декабрдаги 1029-сон қарорига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "18" январдаги 21 -сон қарорига
1-илова

2021 – 2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. 2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 2020 йил 5 июндаги ПФ–6005-сон Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Концепцияни тайёрлашда чет давлатларнинг кинология хизматлари ютуқлари ҳамда ушбу соҳани ривожлантириш бўйича илғор тажриба ўрганиб чиқилди.

3. Концепциянинг асосий мақсад ва вазифаларида Марказ фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш белгиланган.

2-боб. Миллий кинология маркази фаолиятининг жорий ҳолати ва мавжуд камчиликлар

4. Сўнгги йилларда Марказ фаолиятини ислоҳ этиш, хизмат итлари ёрдамида самарали божхона назоратини амалга ошириш, контрабанда ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига қарши курашишда хизмат итларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан:

бугунги кунда халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Марказда гиёҳвандлик воситаларини қидириш, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддаларни қидириш, ҳимоя-қоровул, қидирув-қутқарув хизмати, мина қидирув, из-қидирув ва терроризмга қарши йўналишларда кинологларни тайёрлаш ва хизмат итларини ўргатиш тизимли ташкил этилган;

божхона постлари орқали валюта қимматликлари ҳамда тамаки маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтилишининг одлини олиш учун хизмат итлари ўргатиб келинмоқда;

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

божхона органлари учун хизмат сифатлари юқори бўлган ҳамда зот стандарт талабларига жавоб берадиган кучук болаларини етиштириш, зотдор хизмат итларини кўпайтириш борасида Ўзбекистон Республикасининг кинология йўналишидаги жамоат ташкилотлари ҳамда кинология хизматлари билан ҳамкорлик қилиш ишлари йўлга қўйилди;

божхона постларида хизмат итлари ёрдамида ўтказилган божхона кўриклари, аниқланган қонунбузулиш ҳолатлари ва кинология хизмати йўналишида бошқа амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумотларни йиғиш, уларни реал вақт ичида таҳлил қилиб бориш учун “Кинология хизмати” автоматлаштирилган ахборот дастури амалиётга татбиқ этилди;

божхона органлари ҳисобидаги хизмат итларининг ҳисобини юритиш, рўйхатга олиш, ветеринария тадбирлари ўтказилишини назорат қилиш ва наслчилик ишларини юқори даражада ташкил этиш учун хизмат итларига микрочиплар ўрнатилиши йўлга қўйилди.

Шунга қарамай, божхона органларида Марказ фаолиятини самарали ташкил этишда бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Жумладан:

Марказ мутахассислари ва кинологларнинг чет давлатларда малакасини ошириш ишлари ташкил этилмаган;

ташқи иқтисодий фаолият ва чегара божхона постларида товар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ўтказиш ҳамда турли жиноий усуллар ёрдамида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни (гиёҳвандлик воситалари, портловчи моддалар, валюта қимматликлари, тамаки маҳсулотлари) аниқлашда кинологлар ва хизмат итларининг самарадорлиги паст даражада;

Марказ томонидан ветеринария хизмати кўрсатиш ишлари ҳамда итларда учрайдиган турли касалликларнинг барвақт олдини олиш, аниқлаш ишларида таҳлил ва мониторинг олиб бориш тизимли ташкил этилмаган;

зотдор хизмат итларини кўпайтириш, насл олиш ишлари хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси асосида такомиллаштирилмаган;

ўқув-ўргатиш технологиялари янгиланмаган, соҳага доир илмий изланишлар олиб бориш, методик қўлланмалар тайёрлаш ишлари етарли даражада эмас;

божхона органларида хизмат итларини кунлик озиқлантириш рациони бўйича (маҳсулот турлари, тайёр қуруқ озуқа) ажратиладиган компенсация тўловларини тўғри сарф-харажат қилишнинг электрон-назорат механизми ишлаб чиқилмаган;

хизмат итлари касалигини аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, даволаш, ветеринария тадбирларини сифатли олиб бориш учун Ихтисослаштирилган

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

ветеринария хизмати моддий-техника базаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаган.

3-боб. Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари

5. Концепциянинг асосий мақсади – Марказ фаолиятининг республика ҳамда халқаро миқёсдаги обрўсини ошириш ва юқори даражали муассасага айлантириш.

Концепциянинг асосий вазифалари – Марказнинг ўқув жараёни самарадорлигини ошириш, хизмат итлари билан машқ ўтказишнинг илғор усулларини амалиётга кенг татбиқ этиш, фаолиятга замонавий ахборот тизимларини кенг жорий этиш, зотдор итларни кўпайтириш, ветеринария хизматини юқори даражада кўрсатиш, кинология соҳасида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

6. 2021-2023 йилларда Марказ фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат:

божхона органларида кинология хизматини тубдан такомиллаштириш;

кинология хизматига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

Марказда наслчилик ишларини самарали олиб бориш ҳамда хизмат итларини ўргатишнинг янги усулларини жорий этиш;

ихтисослаштирилган ветеринария хизмати фаолиятини такомиллаштириш;

кинологлар ва хизмат итларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва бу борада кадрлар салоҳиятини юксалтириш;

кинология ва ветеринария хизматлари бўйича ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

1-§. Божхона органларида кинология хизматини тубдан такомиллаштириш

7. Божхона органларида кинология хизматини тубдан такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган тадбирлар:

божхона органларида хизмат олиб бораётган кинологларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, амалиётда учраётган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш;

божхона органлари кинологларнинг тажрибаси, билими, касбга садоқати, хизмат фаолиятида эришган ютуқлари, хизмат ва ижро интизомига риоя этиш каби хислатларини эътиборга олган ҳолда кинология хизматини сифатли ташкил этиш мақсадида ходимларни рағбатлантириш ва хизмат итига бўлган муносабатни кучайтириш учун кинологларга 1, 2, 3-даражали кинолог кўкрак нишонларини жорий этиш;

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кинология хизмати ходимлари ўртасида республика идораларо “Энг яхши кинолог” кўрик-танлови учун божхона органлари кинология хизмати соҳасидаги малакали мутахассис-кинологларни саралаш ҳамда иш қобилияти юқори бўлган хизмат итларини тайёрлаш;

илғор халқаро тажриба асосида овчилик, тоғ-чўл чорвачилиги, ўсимликлар карантини, ўрмон хўжалиги, қўриқлаш хизматлари учун итларни тайёрлаш;

кинология, ветеринария ва итчилик йўналишларида вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат ташкилотлари ҳамда итчилик клублари билан ҳамкорлик ўрнатиш;

турдош муассасалар, республикадаги ихтисослаштирилган илмий марказ ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ветеринария ва кинология соҳасига доир адабиётлар, ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр қилиш;

Марказда Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар кинологларини ўқитиш ва хизмат итларини тайёрлашда замон талаблари асосида кинология соҳасида янги йўналишлар бўйича ишлар олиб бориш;

хизмат итлари ёрдамида самарали фаолиятни амалга ошириш мақсадида хизмат итларини турли йўналишлар бўйича тайёрлашда янги ўқув-ўргатиш усулларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

2-§. Кинология хизматига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш

8. Марказ фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш соҳага замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни тақозо этмоқда.

Шу сабабли қуйидаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

божхона хизмати органлари ҳисобидаги зотдор итларнинг келиб чиқиши (шажараси) бўйича таҳлил ишларини олиб бориш учун “Кинология хизмати” автоматлаштирилган ахборот тизимида алоҳида дастур яратиш;

божхона органлари кинология соҳасида хизмат итларини кунлик озиқлантириш рациони бўйича (маҳсулот турлари, тайёр қуруқ озуқа) ажратиладиган компенсация тўловларини тўғри сарф-харажат қилиш электрон-назорат механизмини йўлга қўйиш;

кинологларни ўқитиш ва малакасини оширишда замонавий ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш бўйича ўқув методикаларини янгилаш;

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайтида “Кинология” рукнини ташкил этиш ва унда фуқаролар ва ит боқишга қизиқувчилар учун умумий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ва видео роликлар базасини шакллантириш;

фуқаролар ва ит боқувчиларга тавсиялар бериш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш мақсадида онлайн режимида ишловчи “Ветеринария хизмати” интерактив хизматини йўлга қўйиш.

3-§. Марказда наслчилик ишларини самарали олиб бориш ҳамда хизмат итларини ўргатишнинг янги усулларини жорий этиш

9. Марказнинг асосий вазифаси мавжуд маҳаллий ва хорижий тажриба асосида турли йўналишларда хизмат итларини тайёрлаш, наслчилик ишларининг самарали тизимини яратишдир.

Бунда куйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хизмат итлари питомниклари, итчилик клублари, шунингдек, чет давлатлар кинология хизматлари билан зотдор итларни айирбошлаш борасидаги фаолиятни кенгайтириш;

божхона органлари ва бошқа идоралар кинология хизмати учун зотдор хизмат итларини кўпайтириш, насл олиш тизимини кинология ва наслчилик соҳаси ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда такомиллаштириш;

илғор халқаро тажриба асосида кинология соҳасида янги йўналишлар (CITES) ва хизмат итларини ўргатишнинг янги усуллари бўйича ишлар олиб бориш;

хизмат итларининг қобилиятини оширишда илғор ўқитиш ва ўргатиш методологияларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

халқаро ва миллий кўргазмалар, мусобақаларда божхона органлари кинология хизмати мутахассисларининг фаол иштирок этишини таъминлаш ва юқори натижаларга эришиш ҳамда Марказ мутахассислари малакасини ошириш учун хорижий давлатларда махсус ўқув курсларида (экстерьер, хизмат итларининг ишчанлик қобилияти, мусобақаларга тайёрлаш бўйича ҳакамлик қилиш) ўқитиш.

4-§. Ихтисослаштирилган ветеринария хизматини такомиллаштириш

10. Итларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларни аниқлаш ва даволашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш ҳамда Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ва идоралар ҳамда ташкилотлар, итчилик клублари, шунингдек, чет давлатлар кинология хизматлари билан:

итлардаги турли хил касалликларни барвақт аниқлаш, ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича;

ветеринария соҳасида қўшма тадқиқот, конференция, семинар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

итларда учрайдиган турли касалликларнинг доимий мониторингини олиб бориш ва замонавий усулларда даволаш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Марказда фаолият олиб бораётган мутахассисларни Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институти ва лабораторияларда амалиёт ўташни ташкил этиш;

ветеринария тадбирларини олиб бориш сифатини янада ошириш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Ихтисослаштирилган ветеринария хизматини халқаро стандартлар ва талабларга жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

итларда учрайдиган турли касалликларнинг доимий мониторингини олиб бориш ва замонавий усулларда даволашни жорий қилиш;

республикада ветеринария ва кинология соҳасида чоп этиладиган оммабоп журналларда кинология рукни остида мақолалар чоп этиш;

республика ва чет давлатлар ветеринария хизматлари мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Марказда малакали ходимлар томонидан ветеринария хизмати бўйича илмий изланишлар олиб бориш, адабиёт ва қўлланмалар яратишни йўлга қўйиш;

кинология ва ветеринария хизмати бўйича Марказда аҳоли учун пулли ўқув курсларини ташкил этиш;

божхона органлари хизматида фойдаланилмайдиган ит зотларини (Ўрта Осиё ва Кавказ овчаркаси, Сибирь хаскиси, Акита-ину ва бошқа) Марказда кўпайтириш ва аҳолига сотиш ишларини ташкил этиш.

5-§. Кинологлар ва хизмат итларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларнинг салоҳиятини кучайтириш

11. Марказ фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ҳамда кенг ислоҳотларни амалга оширишда, аввало, малакали, тажрибали ва ташаббускор кадрларнинг роли каттадир.

Шу сабабли, қўйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

ўқув-методик базани халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш;

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

кадрларни танлаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларнинг салоҳиятини янада юксалтириш механизмини тубдан ўзгартириш;

божхона чегараси орқали контрабанда ашёлари, товар-моддий бойликлар олиб ўтилишини ҳамда божхона назоратида янги ҳуқуқбузарлик объектини аниқлаш бўйича кинологларнинг билим ва кўникмаларини янада ошириш;

хизмат итлари билан вербал усуллар асосида ўтказилаётган ўқув-амалий машғулотлар жараёни бўйича тайёрланадиган видеолавҳаларни божхона органлари масофавий таълим тизимига жойлаштириш;

хорижий давлатларнинг божхона органлари кинология хизмати фаолиятини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш;

турдош муассасалар, республикадаги ихтисослаштирилган илмий марказлари ва олий таълим муассасалари юртлари билан ҳамкорликда ветеринария ва кинология соҳасига доир адабиётлар, ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш;

Марказ инструкторларининг хорижий давлатларда малакасини ошириш;

божхона органлари масофавий таълим тизими орқали кинолог-мутахассисларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда касбий тайёргарлигини ошириш;

кинология соҳасидаги илмий ишланмалар натижаларини ўқув жараёни ва божхона органлари кинология хизмати фаолиятига татбиқ этиш;

ўқув жараёнига олий таълим муассасалари, Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти мутахассисларини жалб этган ҳолда ўқитиш ва ўргатиш жараёнлари тубдан такомиллаштириш;

божхона органларида кинология хизмати фаолияти натижадорлигини (касбий таълим тизими ҳамда ўқув-ўргатиш методологияси) баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

ёшларда кинология соҳасига қизиқиш уйғотиш, Ватанга хизмат қилишдек шарафли касб эгаси бўлишдек ватанпарварлик туйғусини шакллантириш мақсадида Марказда кинология хизмати тарихи музейини ташкил этиш.

6-§. Кинология ва ветеринария хизматлари бўйича ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

12. Халқаро ташкилотлар ва чет давлатларнинг кинология хизматлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро майдонда кинология фаолияти соҳасида республиканинг барқарор ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

республика ва хорижий турдош муассасаларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

чет давлатлар ва Жаҳон божхона ташкилотининг минтақавий кинология марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш.

Бунда:

илғор ва етакчи хорижий давлатларнинг кинология соҳасидаги назарий ва илмий йўналишдаги тажрибасини ўрганиш ва шу асосда ўқув дастурларини такомиллаштириш;

Жаҳон божхона ташкилоти экспертларини жалб этган ҳолда Марказда халқаро ўқув-амалий семинар тренинглар ташкил этиш;

хорижий мутахассисларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ўқув-ўргатиш жараёнига жалб этиш;

ўқув қўлланмалари ва амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш, шунингдек, кинология соҳасидаги хорижий ўқув материалларини ўзбек тилига таржима қилиш;

Жаҳон божхона ташкилотининг босма ва электрон нашрларида Марказ фаолиятини кенг ёритиш;

хорижий грантлар асосида замонавий асбоб-ускуналар, жихозлар ва зотдор хизмат итларини сотиб олиш.

4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

13. Мазкур Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилмоқда:

божхона чегараси орқали контрабанда ашёлари, товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб ўтишнинг олдини олиш бўйича кинологларнинг махсус билимлари ошишига эришилади;

Марказ фаолиятига рақамли технологиялар ва ахборот тизимларини кенг жорий этиш орқали янги ахборот тизимлари ва интерактив хизматлар ишлаб чиқилади;

Марказ томонидан кинология ва ветеринария хизматлари бўйича вазирликлар ва идораларга ҳамда аҳолига ва ит боқишга қизиқувчиларга пулли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади;

кинология, ветеринария ва итчилик йўналишларида вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа ташкилотлар ҳамда итчилик клублари билан яқиндан амалий ҳамкорлик ўрнатилади;

Марказнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, замон талаби асосида кинология соҳасида янги йўналишлар бўйича ишлар олиб борилади;

ўқув-методик базани халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, янги технологиялар, методикалар, республика ва хорижий турдош муассасаларнинг илғор тажрибасини амалиётга татбиқ этиш йўлга қўйилади;

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

турдош муассасалар, республикадаги ихтисослаштирилган илмий марказ ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ветеринария ва кинология соҳасига доир янги адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқилади;

халқаро майдонда Марказнинг нуфузини янада ошириш бўйича зарур барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

5-боб. Концепцияни амалга ошириш устидан мониторинг олиб бориш

14. Концепцияни амалга ошириш устидан тизимли мониторинг олиб бориш, умумий мувофиқлаштириш, кинология фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ва ҳал этиш Давлат божхона қўмитаси томонидан амалга оширилади.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "18" январдаги 21-сон қарорига
2-илова

2021 – 2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича
"ЙЎЛ ХАРИТАСИ"

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	I. Божхона органларида кинология хизматини тубдан такомиллаштириш			
1.	Божхона органлари кинологларининг тажрибаси, билими, касбга садоқати, хизмат фаолиятида эришган ютуқлари, хизмат ва ижро интизомига риоя этиш каби хислатларини эътиборга олган кинология хизматини сифатли ташкил этиш мақсадида ходимларни рағбатлантириш ва хизмат итига бўлган муносабатни кучайтириш учун кинологларга 1, 2, 3-даражали кинолог кўкрак нишонларини жорий этиш.	Идоравий ҳужжат	2021 йил 1 декабрь	Давлат божхона қўмитаси
2.	Кинология, ветеринария ва итчилик йўналишларида вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат ташкилотлари ҳамда итчилик клублари билан ҳамкорлик ўрнатиш.	Меморандумлар	2021 йил давомида	Давлат божхона қўмитаси, манфатдор вазирликлар ва идоралар
3.	Илғор халқаро тажриба асосида овчилик, тоғ-чўл чорвачилиги, ўсимликлар карантини, ўрмон хўжалиги, қўриқлаш хизматлари учун итларни тайёрлаш.	Буюртма асосида	Доимо	Давлат божхона қўмитаси
4.	Божхона органларида хизмат қилаётган кинологларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, амалиётда учраётган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш.	Алоҳида тасдиқланган режа асосида	Доимо	Давлат божхона қўмитаси
5.	Турдош муассасалар, республикадаги ихтисослаштирилган илмий марказ ва олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда ветеринария ва кинология соҳасига доир адабиётлар, ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва чоп эттириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил давомида	Давлат божхона қўмитаси, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
6.	Хизмат итлари ёрдамида самарали фаолиятни амалга ошириш мақсадида хизмат итларини турли йўналишлар бўйича тайёрлашда янги ўқув-ўргатиш услубларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2023 йиллар	Давлат божхона қўмитаси
II. Кинология хизматига замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш				
7.	Божхона хизмати органлари ҳисобидаги зотдор итларнинг келиб чиқиши *(шажараси)* бўйича таҳлилий ишларни олиб бориш учун “Кинология хизмати” автоматлаштирилган ахборот тизимида алоҳида дастур яратиш.	Техник-топшириқни ишлаб чиқиш	2022 йил 1 январь	Давлат божхона қўмитаси
8.	Божхона органларининг кинология соҳасида хизмат итларини кунлик озиқлантириш рациони бўйича *(маҳсулот турлари, тайёр қуруқ озуқа)* ажратиладиган компенсация тўловларини тўғри сарф-харажат қилиш электрон-назорат механизмини жорий этиш.	Ички идоравий ҳужжат	2022 йил 1 февраль	Давлат божхона қўмитаси
9.	Кинологларни ўқитиш ва малакасини оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этишда ўқув методикаларини янгилаб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2023 йиллар	Давлат божхона қўмитаси
10.	ДБҚ веб-сайтида “Кинология” рукнини ташкил этиш ва унда фуқаролар ва ит боқишга қизиқувчилар учун умумий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ва видео роликлар базасини шакллантириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимо	Давлат божхона қўмитаси
11.	Фуқаролар ва итбоқувчиларга тавсиялар бериш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш мақсадида онлайн режимида ишловчи “Ветеринария хизмати” интерактив хизматини йўлга қўйиш.	Ички идоравий ҳужжат	2021 йил 1 октябрь	Давлат божхона қўмитаси
III. Марказда наслчилик ишларини самарали олиб бориш ҳамда хизмат итларини ўргатишнинг янги усулларини жорий этиш				
12.	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат итлари питомниклари, итчилик клублари, шунингдек, хорижий давлатлар кинология хизматлари билан зотдор итларни айирбошлаш борасидаги фаолиятни кенгайтириш.	Ҳамкорлик меморандумлари асосида	2021-2023 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
13.	Божхона органлари ва бошқа идораларнинг кинология хизмати учун зотдор хизмат итларини кўпайтириш, насл олиш тизимини кинология ва наслчилик соҳаси ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда такомиллаштириш.	Ҳамкорлик меморандумлари асосида	2021-2023 йиллар	Давлат божхона қўмитаси
14.	Илғор халқаро тажриба асосида кинология соҳасида янги йўналишлар (CITES) ва хизмат итларини ўргатишнинг янги усуллари бўйича ишлар олиб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2023 йиллар	Давлат божхона қўмитаси
15.	Хизмат итларининг қобилиятини оширишда илғор ўқитиш ва ўргатиш методологиялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси
16.	Халқаро ва миллий кўргазмалар, мусобақаларда божхона органлари кинология хизмати мутахассисларининг фаол иштирок этишини таъминлаш ва юқори натижаларга эришиш ҳамда Марказ мутахассислари малакасини ошириш учун хорижий давлатларда махсус ўқув курсларида *(экстерьер, хизмат итларининг ишчанлик қобилияти, мусобақаларга тайёрлаш бўйича ҳакамлик қилиш)* ўқитиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
IV. Ихтисослаштирилган ветеринария хизматини такомиллаштириш				
17.	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ва идоралар ҳамда ташкилотлар, итчилик клублари, шунингдек, хорижий давлатлар кинология хизматлари билан: - итлардаги турли хил касалликларни барвақт аниқлаш, ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича; - ветеринария соҳасида қўшма тадқиқот, конференция, семинар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш; - итларда учрайдиган турли касалликларнинг доимий мониторингини олиб бориш ва замонавий усулларда даволаш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш ишларини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
18.	Марказда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институти ва лабораторияларда амалиёт ўташи.	Ҳамкорлик меморандумлари асосида	2021 йил давомида	Давлат божхона қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси
19.	Ветеринария тадбирларини олиб бориш сифатини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ихтисослаштирилган ветеринария хизматини халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
20.	Итларда учрайдиган турли касалликларнинг доимий мониторингини олиб бориш ва замонавий усулларда даволашни жорий қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимо	Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
21.	Республикада ветеринария ва кинология соҳасида чоп этиладиган оммабоп журналларда кинология рукни остида мақолалар чоп этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимо	Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
22.	Республика ва хорижий давлатларнинг ветеринария хизматлари мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва соҳада эришилаётган ютуқлар ва тажрибани ўрганиб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил давомида	Давлат божхона қўмитаси,
23.	Марказда малакали ходимлар томонидан ветеринария хизмати бўйича илмий изланишлар олиб бориш, адабиёт ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил давомида	Давлат божхона қўмитаси, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд ветеринария медицинаси институти
24.	Марказда божхона органлари хизматида фойдаланилмайдиган ит зотларини *(Ўрта Осиё ва Кавказ овчаркаси, Сибирь хаскиси, Акита-ину ва бошқа)* кўпайтириш ва аҳолига сотиш ишларини ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2023 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
V. Кинологлар ва хизмат итларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва бу борада кадрлар салоҳиятини юксалтириш				
25.	Ўқув-методик базани халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар
26.	Кадрларни танлаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш механизмини тубдан ўзгартириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси
27.	Божхона чегараси орқали контрабанда ашёлари, товар-моддий бойликлар ҳамда божхона назоратида янги ҳуқуқбузарлик объектини аниқлаш бўйича кинологларнинг билим ва кўникмаларини янада ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимо	Давлат божхона қўмитаси
28.	Хизмат итлари билан вербал усуллар асосида ўтказилаётган ўқув-амалий машғулотлар жараёни бўйича тайёрланадиган видеолавҳаларни божхона органлари масофавий таълим тизимга жойлаштириб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимо	Давлат божхона қўмитаси
29.	Марказ инструкторларининг хорижий давлатларда малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг божхона органлари кинология хизмати фаолиятини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
30.	Турдош муассасалар, республикадаги ихтисослаштирилган илмий марказлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ветеринария ва кинология соҳасига доир адабиётлар, ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси
31.	Божхона органлари масофавий таълим тизими орқали кинолог-мутахассисларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда касбий тайёргарлигини ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимо	Давлат божхона қўмитаси
32.	Кинология саҳасидаги илмий ишланмалар натижаларини ўқув жараёни ва божхона органалари кинология хизмати фаолиятига татбиқ этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси
33.	Ўқув жараёнига олий таълим муассасалари, Божхона институти мутахассисларини жалб этган ҳолда ўқитиш ва ўргатиш жараёниларини тубдан такомиллаштириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
34.	Божхона органларида кинология хизмати фаолияти натижадорлигини (касбий таълим тизими ҳамда ўқув-ўргатиш методологияси) баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.	Ички идоравий ҳужжат	2022 йил 1 январь	Давлат божхона қўмитаси
35.	Ёшларда кинология соҳасига қизиқиш уйғотиш, Ватанга хизмат қилишдек шарафли касб эгаси бўлишдек ватанпарварлик туйғусини шакллантириш мақсадида Марказда кинология хизмати тарихи музейини ташкил этиш.	Ички идоравий ҳужжат	2022 йил 1 март	Давлат божхона қўмитаси
VI. Кинология ва ветеринария хизматлари бўйича ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш				
36.	Хорижий давлатлар ҳамда Жаҳон божхона ташкилотининг минтақавий кинология марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш. Бунда: ўқув қўлланмалари ва амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш, шунингдек, кинология соҳасидаги хорижий ўқув материалларини ўзбек тилига таржима қилиш; Жаҳон божхона ташкилотининг босма ва электрон нашрларида Марказ фаолиятини кенг ёритиш; Жаҳон божхона ташкилоти минтақавий кинология марказларидан экспертларни жалб этган ҳолда Марказда ҳалқаро ўқув-амалий семинар тренинглар ташкил этиш; хорижий грантлар асосида замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва зотдор хизмат итларини сотиб олиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2023 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, вазирликлар ва идоралар
37.	Республика ва хорижий турдош муассасаларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Давлат божхона қўмитаси

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "18" январдаги 21-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказида кинологларни тайёрлаш, итларни ўргатиш ва сотиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказида (кейинги ўринларда – Марказ) кинологларни тайёрлаш, итларни ўргатиш ва сотиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

буюртмачи – Марказга кинологларни тайёрлаш, хизмат итларини ўргатиш ва итларни сотиб олиш учун буюртма берган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирлик ва идоралар, чет давлатларнинг кинология хизматлари, шунингдек, итларни ўргатиш учун буюртма берган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари;

умумий машқ курси – итни бошқариш, йўналтириш ва бирор ҳолатни қабул қилиши учун зарур бўлган умумий бўйсуниш кўникмаларини ҳосил қилиш курси;

тест-синов – итнинг ўқув-ўргатув курсларига мойиллигини аниқлаш учун аппортировка (буюмларни олиб келиш), қидирув реакциясини яққол намоён қилиши, эгасига яхши муносабатда бўлиши ва унга бўйсуниши, ҳаракатчанлиги (тўсиқларни енгиб ўтишда), ҳид билиши ривожланганлиги, ўзига нисбатан таҳдидли ҳаракатларга жаҳлдорликни юзага чиқариши, отилган ўқ овози ва бошқа кучли қўзғатувчиларга нисбатан хотиржам муносабатда бўлиши каби кўрсатгичлар бўйича итнинг иш қобилиятини текшириш;

хизмат ити – Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ёки чет давлатларнинг кинология хизматларига тегишли бўлган, махсус идентификация белгисига эга, умумий ва махсус йўналишлар бўйича тайёрланган ит;

ўқув-ўргатув курси – Марказда кинологларни ва хизмат итларини гиёҳвандлик воситалари, тамаки маҳсулотлари, қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар, валюта қимматликларини қидириб топиш, шунингдек, қидирув-қутқарув, ҳимоя-қоровул, из-қидирув хизмати, терроризмга қарши курашиш ва бошқа йўналишлар бўйича тўрт ойгача тайёрлаш курси.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

2-боб. Марказда буюртмачиларнинг итлари, кинологларини ва уларга тегишли хизмат итларини қабул қилиш

3. Буюртмачи кинологларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларга тегишли хизмат итларини ўргатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари томонидан итларни умумий машқ курси кўникмалари, ҳимоя-қоровул хизмати талаблари бўйича тайёрлаш юзасидан Марказга эркин шаклдаги буюртманома (ариза, хат, илтимоснома, сўровнома) билан мурожаат қилади.

Буюртманомада буюртмачи ҳақидаги маълумотлар, ўқув курсларининг йўналиши, ит зоти, кинологлар ва итлар сони кўрсатилади.

4. Буюртманома Марказга берилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида:

Марказ билан буюртмачи ўртасида шартнома тузилади;

кинологлар хизмат итлари билан бирга юборилаётганда ёки Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг итларини қабул қилишда буюртмачига итни Марказнинг ихтисослаштирилган ветеринария хизматида дастлабки клиник кўрикдан ўтказиш учун олиб келиш санаси маълум қилинади.

5. Ўқув курсларига клиник соғлом, саккиз ойдан ошган мазкур Низомга 1-иловада кўрсатилган ит зотлари Марказ мутахассисларидан иборат таркибдаги комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) хулосаси асосида қабул қилинади.

Агар буюртмачи томонидан тақдим этилган ит ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган ит зотлари тоифасига кирмаган тақдирда, комиссия томонидан қўшимча тест синови ва ўрганиш ўтказилгандан сўнг уларнинг ижобий хулосаси асосида ўқув курслари йўналишига лойиқ деб топилиши ва истисно тариқасида қабул қилиниши мумкин.

6. Буюртмачи томонидан олиб келинган ит паспорти ва бошқа ҳудуд (вилоят, туман (шаҳар)дан олиб келинса, қонун ҳужжатлари талаблари асосида юқумли касалликлар йўқлиги ҳақидаги маълумотномалар тақдим этилади. Мазкур ҳужжатда қутуриш, ўлат ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмлаш, гижжасизлантириш тадбирлари ўз вақтида ўтказилганлиги бўйича маълумот кўрсатилиши лозим.

Эмлаш тадбирлари буюртмачи томонидан итни Марказга олиб келишдан камида йигирма бир кун олдин ёки ўн бир ойдан ошмаган ҳолда амалга оширилган бўлиши шарт.

7. Буюртмачининг ити Марказнинг ихтисослаштирилган ветеринария хизматида дастлабки клиник кўрикдан ўтказилади ва натижаси бўйича мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ветеринария хулосаси тузилади.

Ветеринария хулосасига кўра:

ит соғлом деб топилса, буюртмачи билан Марказ ўртасида шартнома тузилади ва ит қабул қилинади;

ит носоғлом деб топилса, у Марказ томонидан қабул қилинмайди.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

8. Марказга қабул қилинган итлар ўттиз кун давомида дастлабки ветеринария ва карантин назоратида сақланади.

9. Буюртманома асосида қабул қилинган итнинг тегишли ўқув йўналишига лаёқатлилигини аниқлаш учун дастлабки ветеринария ва карантин назорати якуни бўйича итнинг тегишли ўқув йўналишига лаёқатлилиги тест синовидан ўтказилади.

Тест синови натижаси бўйича мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ итни қабул қилиш ёки рад этиш (четлаштириш) тўғрисида далолатнома тузилади.

10. Қабул қилиш пайтида итда юқумли касалликлар яширин (инкубацион) даврида бўлиб, карантин ёки кейинги даврда юқумли касаллик белгилари юзага чиққанда Марказнинг ихтисослаштирилган ветеринария хизмати томонидан хулоса тузилади ва шунга асосан ит буюртмачига қайтарилади.

11. Ўқув курсларига қабул қилинмаган ёки ундан четлаштирилган итлар учун тўланган маблағлар Марказ томонидан сарфланган озуқа ва дори-дармон харажатлари чегирилган ҳолда буюртмачига қайтарилади.

3-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар, шунингдек, чет давлатлар кинология хизматлари буюртманомалари бўйича кинологларни тайёрлаш ҳамда уларга тегишли хизмат итларини ўргатиш

12. Ўқув-ўргатиш курсларида кинологлар хизмат итлари билан бирга ўргатилади.

13. Гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддалар, мина қидирув, из-қидирув, терроризмга қарши курашиш, қидирув-қутқарув хизмати йўналишларида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳамда чет давлатлар кинология хизматларининг кинологлари ўргатилади.

14. Кинологни тайёрлаш, шунингдек, уларга тегишли хизмат итларини ўргатиш бўйича Марказ билан буюртмачи (чет давлатларнинг кинология хизматлари бундан мустасно) ўртасида шартнома тузилади.

15. Чет давлатларнинг кинология хизматлари буюртманомалари асосида икки ёхуд кўп томонлама ташқи савдо шартномаси тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кинологларни тайёрлаш, шунингдек, уларга тегишли хизмат итларини ўргатиш бўйича келишувлар назарда тутилган бўлса, Марказ томонидан алоҳида шартнома тузилмайди.

16. Марказ томонидан буюртманомалар асосида кинологларни тайёрлаш, шунингдек, уларга тегишли итларни ўргатиш учун тўловлар мазкур Низомга 4-иловада келтирилган калькуляция асосида белгиланади ва ундирилади.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

17. Чет давлатларнинг кинология хизматлари буюртмалари асосида кинологларни тайёрлаш ва хизмат итларини ўргатиш учун тўловлар мазкур Низомга 4-иловада келтирилган калькуляциянинг икки баравари миқдорида белгиланади.

18. Ўқув-ўргатиш курси якуни бўйича кинологлар буюртмачининг вакили иштирокида синовдан ўтказилади ва синовдан муваффақиятли ўтган кинологларга сертификат берилади.

Ўқув-ўргатиш курси якуни бўйича ўтказилган синовда қониқарсиз баҳо олган кинологларга бир марта қайта синов топшириш имконияти берилади.

19. Кинолог якуний синовдан ўтмаган тақдирда, буюртмачи томонидан шартнома асосида тўланган тўловлар қайтарилмайди.

4-боб. Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг итларини умумий машқ ҳамда ҳимоя-қоровул хизмати курслари бўйича ўргатиш

20. Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг итларини умумий машқ ҳамда ҳимоя-қоровул хизмати курслари бўйича тайёрлаш учун улар ушбу Низомнинг 4–11-бандлари талаблари асосида қабул килинади ва шартнома тузилади.

21. Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг итларини умумий машқ ҳамда ҳимоя-қоровул хизмати курслари бўйича ўргатиш учун тўловлар мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ белгиланади ва ундирилади.

22. Ўргатиш курслари якуни бўйича буюртмачи итнинг кўникмаларини текшириб, уни далолатнома асосида қабул қилиб олади.

Қабул қилиш-топшириш жараёни видео тасвирга олиниб, бир йил давомида Марказда сақланади.

23. Итни белгиланган курслар бўйича ўргатиб, эгасига муваффақиятли топширган ходим Марказнинг ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қўшимча рағбатлантирилади.

24. Мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилганидан бошқа ҳолларда итни ўргатиш жараёнида ит шикастланса ёки нобуд бўлса, етказилган зарар Марказ томонидан қопланади.

Марказ томонидан қопланган харажатлар, маркур ҳолатга аниқлик киритилиб, айбдор деб топилган шахсдан регресс тартибида ундирилади.

25. Итни ўргатиш бўйича шартнома тузилгандан кейин базавий ҳисоблаш миқдори ўзгарганда, янги тариф бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинмайди ҳамда қўшимча тўловлар ундирилмайди.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

5-боб. Марказ томонидан хизмат итларини сотиш

26. Марказ томонидан хизмат итларини ва кучукчаларини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, вазирликлар ва идораларга ҳамда чет давлатларнинг кинология хизматларига сотиш шартнома асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Ресапубликасининг резидентлари ва норезидентларига хизмат итлари сотилмайди.

27. Чет давлатлар кинология хизматлари буюртмасига асосан хизмат итларини ва кучукчаларини сотиш икки ёки кўп томонлама тузиладиган ташқи савдо шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

28. Марказ томонидан сотиладиган хизмат итлари ва кучукчалари тегишли лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланади.

29. Марказ томонидан сотилаётган хизмат итлари ва кучукчаларига юқумли касалликларга қарши ветеринария профилактика тадбирлари ўтказилади.

6-боб. Якунловчи қоида

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Миллий кинология марказида кинологларни тайёрлаш,
итларни ўргатиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Миллий кинология марказида ўргатиш учун
қабул қилинадиган ит зотлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Итнинг зоти
	I. Ўрта зотли итлар
1.	Рус спаниели
2.	Инглиз коккер спаниели
3.	Америка коккер спаниели
4.	Вельш-терьер
5.	Ягдтерьер
6.	Бигль
7.	Фокс-терьер
	II. Йирик зотли итлар
8.	Немис овчаркаси
9.	Бельгия овчаркаси
10.	Шарқий Европа овчаркаси
11.	Ўрта Осиё овчаркаси
12.	Кавказ овчаркаси
13.	Лабрадор
14.	Ротвейлер
15.	Курцхаар
16.	Доберман
17.	Ризеншнауцер

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Миллий кинология марказида кинологларни тайёрлаш,
итларни ўргатиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

_____-сонли ветеринария хулосаси

20__ йил "__" _____ Тошкент ш.

Биз, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази ихтисослаштирилган ветеринария хизмати бошлиғи _____, Ихтисослаштирилган ветеринария хизматининг масъул ходимлари _____, 20__ йил "__" _____ куни Марказга _____ _____ томонидан

(ит эгасининг Ф.И.О. ва паспорт маълумотлари, агар юридик шахс бўлса, унинг тўлиқ номи ва раҳбарининг Ф.И.О. кўрсатилади)

_____ курсига қабул қилиш учун _____ лақабли, _____ зотига мансуб бўлган, _____ йилда туғилган, ранги _____, жинси _____ бўлган итни ветеринария кўриги, клиник ва лаборатория текширувларидан ўтказиб, қуйидагиларни аниқладик:

а) итнинг семизлиги _____;

б) кўзларида ўзгаришлар _____;

в) тишлари _____;

г) тана ҳарорати _____;

д) юнги ялтироқлигида ўзгариш _____;

е) эшитиш қобилияти _____;

ж) итнинг қон таҳлили кўрсаткичи _____.

Юқоридагиларга асосланиб, итнинг клиник аҳволи ихтисослаштирилган ветеринария хизмати ходимлари томонидан _____ деб топилди.

Ихтисослаштирилган ветеринария хизмати бошлиғи _____ _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Ихтисослаштирилган ветеринария хизмати масъул ходимлари
_____ _____
(имзо) (Ф.И.О.);
_____ _____
(имзо) (Ф.И.О.);
_____ _____
(имзо) (Ф.И.О.).

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Миллий кинология марказида кинологларни тайёрлаш,
итларни ўргатиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Итни қабул қилиш ёки рад этиш (четлаштириш) тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА

20__ йил "___"_____ Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказида тузилган итнинг тегишли ўқув йўналишига лаёқатлилигини аниқловчи комиссия Раиси _____

(Ф.И.О., лавозими, унвони)

ва комиссия аъзолари _____

(Ф.И.О., лавозими, унвони)

_____лар томонидан итнинг

_____

(умумий машқ курси кўникмалари ҳимоя-қоровул хизмати)

хизматларга яроқлилигини аниқлаш мақсадида: _____

(ит эгасининг Ф.И.О. ва паспортдаги маълумотлар, агар юридик шахс бўлса, унинг тўлиқ номи ва раҳбарнинг Ф.И.О.кўрсатилади)

_____да яшовчи _____га тегишли ит иш қобилияти текширувидан ўтказилди.

Комиссия тест синови натижаларига мувофиқ қуйидагиларни аниқлади:

_____ лақабли, _____ зотига мансуб бўлган, _____ йилда туғилган, ранги _____, жинси _____ бўлган ит иш қобилияти _____ўргатишга

(умумий машқ курси кўникмалари ҳимоя-қоровул хизмати)

лойиқ/нолойиқ деб топилиб, қабул/рад қилинди.

Комиссия раиси _____

Комиссия раиси ўринбосари _____

Комиссия аъзолари _____

Топширди _____

Қабул қилди _____

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Миллий кинология марказида кинологларни тайёрлаш,
итларни ўргатиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

“КЕЛИШИЛДИ”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Миллий кинология марказида бир нафар кинолог ва унга тегишли
хизмат ити учун ўқитиш харажатларининг
К А Л Ь К У Л Я Ц И Я С И

№	Хизмат тури	Ҳаражатлар*	
		бир ой учун (30 кун)	Курс давомийлиги
1.	Ходим(инспектор)нинг иш ҳақи/10**		
2.	Ётоқхона ва коммунал ҳаражатлар		
3.	Бир бош хизмат итини озиқлантириш		
4.	Бир бош хизмат ити учун ўтказиладиган ветеринария тадбирлари		
5.	Бино ва иншоотларнинг амортизацияси		
6.	Бошқа ҳаражатлар (махсус анжомлар, сертификат ва ҳоказо)		
7.	Рентабиллик 20%		
	Жами		

*) Калькуляция шартнома имзоланаётган санадаги нархлар асосида шакллантирилади.

**) Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун ҳисобга олинмайди.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Миллий кинология марказида кинологларни тайёрлаш,
итларни ўргатиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезидентларининг итларини умумий машқ курси кўникмалари ҳамда ҳимоя-қоровул хизмати талаблари бўйича тайёрлаш хизматларини кўрсатиш учун тарифлар*

(Тариф коэффициенти белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан белгиланади)

Т\р	**Хизмат тури**	**Тарифларни кўпайтириш коэффициенти**	
		Ўрта зотли ит	**Йирик зотли ит**
1.	Умумий машқ курси	10,5	11,6
2.	Ҳимоя-қоровул хизмати	18,2	19,3

*) Ушбу тариф коэффициенти Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари кинология хизматлари итларини тайёрлашда татбиқ этилмайди.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "18" январдаги 21-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказидаги хизматга яроқсиз итларни сотиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказидаги (кейинги ўринларда – Марказ) хизматга яроқсиз итларни сотиш тартибини белгилайди.

2. Итларнинг хизматга яроқсизлиги Марказ раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланадиган Марказдаги итларнинг хизматга яроқсизлигини аниқловчи комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) томонидан аниқланади.

3. Марказ томонидан хизматга яроқсиз итларни сотиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Итларнинг хизматга яроқсизлигини аниқлаш

4. Комиссия итларни кўздан кечириш ва ўрганиш давомида мазкур Низомга 1-иловада келтирилган жисмоний камчилиги, касаллиги ва нуқсонлари мавжуд бўлган итларни хизматга яроқсиз деб топади.

5. Ўлат ва бошқа юқумли касалликларга чанилганлиги оқибатида итлар хизматга яроқсиз деб топилган тақдирда, комиссия томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда далолатнома тузилади ҳамда итлар йўқ қилиш учун туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига топширилади.

6. Клиник соғлом, жисмоний нуқсонсиз, лекин феъл-атворида тахминий-жинсий ва суст-мудофаа реакциясининг устунлиги ҳамда асаб фаолияти асосий типологик хусусиятларининг камчиликлари ўта юқори ёки жуда паст қўзғалувчанлиги мавжуд бўлган итлар комиссия томонидан хизматга яроқсиз деб топилади ҳамда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда далолатнома тузилиб, сотувга қўйилади.

3-боб. Итларни баҳолаш ва сотиш тўғрисида эълон бериш

7. Марказ томонидан мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган итлар тегишли лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланади.

8. Баҳоловчи ташкилотлар томонидан итнинг баҳоланганлиги бўйича ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида Марказ оммавий ахборот воситаларига итни сотиш бўйича эълон беради.

Эълонда сотувга қўйилган итнинг фотосурати ва лақаби, ёши, зоти, жинси, нархи, шунингдек, тўловларни амалга ошириш учун Марказнинг банк реквизитлари ҳамда қўшимча маълумотлар учун телефон рақами, ит сотиб олиш учун мурожаат этишнинг охирги муддати (кун ва соат) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

9. Хизматга яроқсиз итни сотиб олиш юзасидан йигирма беш иш куни ичида мурожаат тушмаса, ит сотилмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда Мараз кинологоларига бепул берилади.

4-боб. Итларни сотиб олиш учун мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш

10. Итни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезиденлари қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳамда илова қилган ҳолда Марказга мурожаат қиладилар:

жисмоний шахслар учун – фамилияси, исми ва отасининг исми;

юридик шахслар учун – ташкилотнинг тўлиқ номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва жойлашган жойи (почта манзили);

алоқага чиқиш учун маълумотлар (электрон почта манзили, телефон (факс) рақами (мавжуд бўлганда);

сотиб олмоқчи бўлган ит тўғрисидаги маълумотлар;

тўловни қайтариш учун банк ҳисобвараги.

11. Марказ томонидан итни сотиб олиш бўйича тушган мурожаат уч иш куни ичида кўриб чиқилади, мурожаатда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги текширилади, сотиб олувчига итни сотиб олиш учун шартнома тузиш ёки шартнома тузишни рад этиш тўғрисида рад этиш асосларини аниқ кўрсатган ҳолда хабар берилади.

12. Марказ итни сотиб олиш тўғрисидаги мурожаат асосида сотиб олувчи билан олди-сотди шартномасини тузади.

5-боб. Итларни сотиш

13. Ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ хизматга яроқсиз деб топилган итлар шартнома асосида нақд ёки пул ўтказиш йўли билан сотилади.

14. Сотиб олувчи шартнома имзолангунга қадар сотувга қўйилган итни кўздан кечириши мумкин.

15. Сотиб олувчи хизматга яроқсиз деб топилган итни сотиб олиш бўйича қароридан қайтган тақдирда, у Марказ депозит ҳисобварағига ўтказилган пул

маблағини қайтариб олиши мумкин. Бунда сотиб олувчи пул маблағини қайтариб олиш тўғрисида Марказга мурожаат қилади.

Тўланган пул маблағлари тегишли мурожаат тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида Марказ томонидан қайтарилиши лозим.

16. Сотилаётган итларда Марказ томонидан барча юқумли касалликларга қарши ветеринария профилактика тадбирлари ўтказилади ва ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда “Ёш ит карточкаси” берилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

17. Итларни сотишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
қўмитасининг Миллий кинология марказидаги
хизматга яроқсиз итларни сотиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Хизмат итлари болаларини ўстириш ва хизмат итларидан фойдаланишни тақиқловчи жисмоний камчиликлар, касалликлар ва нуқсонлар

РЎЙХАТИ

1. Скелет ва мушакларнинг умумий жисмоний ўсишдан тўхтаб қолганлиги, нозиклиги, кичиклиги, жуда семизлиги ёки озғин (орик)лиги.

2. Ташқи кўринишининг (экстерьер) асосий ва яққол кўзга ташланадиган камчиликлари:

а) тишларнинг эмаль қатлами бутунлай емирилганлиги, жағдаги битта ёки иккита тишларнинг йўқлиги;

б) ингичка, заиф мушакли бўйин ёки бурмакли, осилиб тушган терили бўйин;

в) ҳаддан ташқари осилиб турган ёки букри қомат;

г) синиб турган ёки букри (эгик), ингичка, етилмаган мушакли бел;

д) жуда қийшайган сағри;

е) думалоқ, бўртма, эгри-бугри қовурғали, олд томонидан номутаносиб, кенг ёки жуда тор ёхуд кичкина кўкрак қафаси;

ж) осилиб қолган ёки ҳаддан ташқари ичига ботиб кетган қорин;

з) олдинги оёқларнинг тор вазияти (ҳолати), ташқарига ёки ичкарига қийшайган тирсаклар, яққол кўзга ташланадиган маймоқлик ёки оёқларнинг жуда кенг қўйилиши, орқа оёқларнинг қиличсимон вазияти, сакраб юришига ёрдам берувчи бўғинларнинг яқинлашуви ёки қийшайганлиги, ясси, ёйилган оёқ панжалари.

3. Ҳаракатнинг издан чиқишига сабаб бўлувчи марказий асаб тизимининг (мия ва унинг пардалари) бузилиши ва зарарланиши.

4. Аъзоларнинг тузалмайдиган функционал бузилишини келтириб чиқарувчи периферик (сиртқи) асаб касалликлари.

5. Елка ва сон мушакларининг қуриши (атрофияси) оқибатида пайдо бўлган чўлоқлик. Пай, пайчалар ва бўғинларнинг сурункали яллиғланиши.

6. Оғир, сурункали касалликлар, заҳарланишлар оқибатида пайдо бўладиган ҳазм қилиш аъзоларининг узоқ давом этадиган, яққол кўзга ташланадиган, даволанмайдиган бузилишлари (касалликлар).

7. Нафас қисиш, йўтал, хириллаш, шиллиқ пардаларнинг циапози каби аниқ ташқи белгиларга эга бўлган нафас йўллари, ўпка, ўпка пардасининг сурункали касалликлари. Бурун шиллиқ пардаси ёки янги пайдо бўлган нарсаларнинг ўзгариши, айниши оқибатида нафас олишнинг бузилиши.

8. Юрак ва йирик қон томирларининг сурункали касалликлари.

9. Қаттиқ оғриқ, оқсоқлик ва ҳаракатларнинг йўқолиши билан кечадиган мушаклар ва бўғинларнинг сурункали ревматизми.

10. Эркин ҳаракатга тўсқинлик қилувчи бўғинлар, пайлар ва юмшоқ тўқималарнинг деформацияси (шаклининг ўзгариши).

11. Йиринглаш, тешик оқма яраларни келтириб чиқарувчи лимфатик безларнинг сурункали шикастланиши.

12. Ҳаракатларни чеклаб қўювчи нотўғри битган суяклар.

13. Бўйинбоғ ва белтасма кийдиришни қийинлаштирадиган, йўқотиб бўлмайдиган ўсмалар, шишлар ёки сурункали, зўраядиган касалликлар.

14. Хавфли ўсмалар, шишлар (саратон-рак).

15. Чурранинг (дабба) ичак-човоқлар ва қорин билан тушиб кетиши.

16. Эркин ҳаракатланиш имконини йўққа чиқарувчи бармоқлар ва тирноқларнинг бедаво касаллиги.

17. Эшитиш қобилиятини қисман йўқотиш билан кечадиган қулоқ ички қисми (лабиринти) ва пардаси функциясини ўзгартириб юборадиган қулоқнинг сурункали йирингли яллиғланиши.

18. Кучсиз сезиш қобилияти.

19. Кўз шиш қопчиғи ва шиллиқ пардасининг сурункали яллиғланиши, кўз ёши оқмаяраси, кўздан доимий равишда ёш оқиши, кўриш қобилиятининг қисман йўқолиши.

20. Бичилган (ахта қилинган) итлар.

21. Иш қобилияти бутунлай йўқолишига сабаб бўладиган ва даволаниш учун сарфланадиган харажатларни оқламайдиган травматик касалликлар (яралар, жароҳатлар, урилган, лат еган жойлар ва бошқа) рўйхатда кўрсатилмаган касалликлар).

22. Даволанмайдиган, сурункали паразитар касалликлар (қирма темиратики, мой хўрак, қўтир) тананинг асосий қисмига тарқалган чилла яра (экзема).

23. Хизмат итларидан самарали фойдаланишга имкон бермайдиган ва йўл қўймайдиган бошқа жисмоний камчилик, касаллик ва нуқсонлар.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
қўмитасининг Миллий кинология марказидаги
хизматга яроқсиз итларни сотиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси Миллий
кинология маркази директори

_____

Хизмат итининг яроқсизлиги ҳақида
ДАЛОЛАТНОМА

20___йил “___”_____ Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказидаги итларнинг хизматга яроқсизлигини аниқловчи комиссия раиси _____
(лавозими, Ф.И.О.)
ва қуйидаги аъзолар _____ дан
(лавозими, Ф.И.О.)
иборат комиссия, кинолог _____ га бириктирилган,
(Ф.И.О.)
“_____” лақабли, _____ зотли, _____ жинсига мансуб, _____ да туғилган, _____ рангли хизмат итини текширувдан
(сана)
ўтказиб, қуйидагиларни аниқлади: _____
_____
(итнинг камчилиги ёки касалликлари кўрсатиб ўтилади)

Комиссия хулосаси

“_____” лақабли хизмат ити Хизмат итлари болаларини ўстириш ва хизмат итларидан фойдаланишни тақиқловчи жисмоний камчиликлар, касалликлар ва нуқсонлар рўйхатининг _____-бандига мувофиқ:

- белгиланган тартибда йўқ қилинсин;
- сотувга қўйилсин.

Комиссия раиси:

Комиссия аъзолари:

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
қўмитасининг Миллий кинология марказидаги
хизматга яроқсиз итларни сотиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

Ёш ит карточкаси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT BOJXONA QO'MITASI
MILLIY KINOLOGIYA MARKAZI

НАЦИОНАЛЬНЫЙ КИНОЛОГИЧЕСКИЙ ЦЕНТР
ГОСУДАРСТВЕННОГО ТАМОЖЕННОГО КОМИТЕТА РЕСБУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

YOSH IT BOLASINING QAYDNOMASI
МЕТРИКА ЩЕНКА
№ _____

Zoti/Порода _____

Laqabi/Кличка _____

Yoshi/Дата рождения _____

Jinsi/Пол _____ **Tusi/Окрас** _____

Otasi/Отец _____

Onasi/Мать/Dame _____

It ko`paytiruvchi/Заводчик	**Manzilgoh/Адрес**
It egasi haqida/Владелец	**Manzilgoh/Адрес**

Yosh it bolasining qaydnomasini bergan tashkilot nomi va manzili
Наименование и адрес организации, выдавшей карточку щенка: _____

Nasildorlik ishi uchun mas'ul xodim F.I.O
Ф.И.О ответственного за племенную работу _____

Imzo **Berilgan sana**
Подпись _____ **Дата выдачи** _____

М.О'
М.П.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "18" январдаги 21-сон қарорига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда – истеъмолчилар) ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пулли хизмат (кейинги ўринларда – ветеринария хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ветеринария хизматларини кўрсатишни "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этади.

3. Марказ ветеринария хизматини кўрсатишни Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасини белгиланган тартибда хабардор қилганидан сўнг амалга оширади.

4. Марказ томонидан ветеринария хизматлари ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ Марказ ҳудудида алоҳида ташкил этиладиган ветеринария клиникаси (кейинги ўринларда – клиника) орқали шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли итларга кўрсатилади.

5. Клиника фаолиятини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

ветеринария хизматларини кўрсатишдан тушган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Клинакада Марказнинг ихтисослаштирилган ветеринария хизмати ходимлари фаолият кўрсатади.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

7. Истеъмолчилардан ушбу Низомга 1-иловада келтирилган ветеринария хизматларини кўрсатиш учун тўлов ундирилади.

Истеъмолчиларга кўрсатиладиган ветеринария хизматлари прейскуранти (нархлари) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Молия вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланади.

8. Истеъмолчиларга ветеринария хизматини кўрсатиш мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Ветеринария хизматини кўрсатиш тартиби

9. Истеъмолчилар ветеринария хизматларидан фойдаланиш юзасидан клинакага тўғридан-тўғри ёки “Ягона дарча” божхона ахборот тизим орқали мурожаат қиладилар.

10. Мурожаат тегишли клиника томонидан қабул қилинади, рўйхатдан ўтказилади ва танланган ветеринария хизмати юзасидан тегишли шартнома тузилади.

Тузилган шартнома бўйича белгиланган тўловлар тўланганлиги ҳақида истеъмолчи томонидан клиникага ёзма ёки электрон тарзда маълумот тақдим этилади.

11. Клиникага қабул қилишда:

итлар клиник кўрик ва заруратга кўра лабаратория-ташхис текширувларидан ўтказилади;

итларни сақлаш, парваришлаш, озиқлантириш ҳамда кўпайтириш масалалари бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилади;

итларга истеъмолчининг розилиги асосида касаллик ҳолатининг оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда изоляторда даволаш муолажалари ўтказилади;

хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда итнинг соғлиғини тиклаш бўйича белгиланган ветеринария тадбирлари кўрсатилади.

12. Ветеринария хизматлари кўрсатилаётган вақтда истеъмолчиларнинг итига уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ бўлмаган ҳолда зарар етказилса, етказилган зарар Марказ томонидан қопланади.

Бунда истеъмолчиларнинг итига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ харажатлар айбдор шахсдан регресс тартибида ундирилади.

13. Марказ томонидан итларни профилактика қилиш, диагностика ва даволашда соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган восита ва усуллар қўлланилмайди.

14. Итлар ўта хавфли юқумли касалликларга чалинганлиги бўйича шубҳа мавжуд бўлганда, бу тўғрисида зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига хабар

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

қилиниши ҳамда касаллик доирасининг кенгайиб кетмаслиги юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

3-боб Ветеринария хизматини кўрсатишда Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15. Марказ ветеринария хизматини кўрсатишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика тадбирларини амалга ошириш;

итларнинг касаллигини аниқлаб, ташхис қўйиш ва уларни даволаш билан шуғулланиш;

ўзига тегишли бўлган асбоб-ускуна ва бошқа жиҳозлардан фойдаланиш;

ўзига тегишли бўлган дори воситаларидан фойдаланилган ҳолда ветеринария хизматларини кўрсатиш;

шартномада назарда тутуган ҳолда Марказ ихтиёрида мавжуд бўлмаган дори воситалари истеъмолчи томонидан олиб келинишини талаб қилиш;

итларни касалланишдан сақлаш мақсадида эмлаш тадбирлари ўтказиш, шунингдек, итларнинг эгаларига маслаҳат бериш;

хизмат кўрсатиш давомида ветеринария хизматлари мутахассисларини жалб этиш;

Марказнинг ветеринария соҳасидаги мутахассисларининг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг олий таълим муассасаси, илмий-тадқиқот институтлари ва лабораторияларида малакасини ошириш.

16. Марказ ветеринария хизматларини кўрсатишда:

пулли хизматдан фойдаланиш юзасидан истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқиши;

истеъмолчиларга сифатли ветеринария хизматларини кўрсатиши;

юқумли касаллик мавжудлиги хусусида шубҳа мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига зудлик билан хабар бериши ҳамда касаллик доираси кенгайиб кетмаслиги юзасидан барча зарур чораларни кўриши;

клиниканинг доимий фаолият олиб боришини таъминлаши;

хизмат кўрсатиш давомида йўл қўйилган камчиликларни қўшимча тўловларсиз бартараф этиши;

истеъмолчиларни ветеринария хизматлари рўйхати ва прейскуранти (нархлари) билан таништириши;

шартномада белгилаб олинган хизматлардан ташқари зарур бўлмаган бошқа хизматларни таклиф этмаслик ва улар учун ҳақ олмаслиги;

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

даволаш учун изоляторда олиб қолинган итларни Марказга қарашли хизмат итларидан алоҳида сақлаши ва хавфсизлигини таъминлаши;

истеъмолчиларга кўрсатилган ветеринария хизматлари бўйича маълумот тақдим этиши;

ветеринария хизматини кўрсатишда фаолиятга алоқадор бўлмаган вазиятда итнинг умумий клиник аҳволи оғирлашганда кўрилган чоралар тўғрисида истеъмолчиларни ўз вақтида хабардор қилиши;

эпизоотия пайдо бўлган тақдирда, давлат ветеринария хизматининг кўрсатмаларига биноан ветеринария тадбирларини ўтказиши;

нобуд бўлган ит жасадини хулоса асосида истеъмолчини хабардор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмасига топшириши лозим.

4-боб. Ветеринария хизматидан фойдаланишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказга ветеринария хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилиш;

ветеринария хизмати кўрсатилиши тўғрисида Марказ билан шартнома тузиш;

ветеринария хизматларини клиникада олиш;

клиникада яратилган мавжуд шароитлар билан танишиш;

кўрсатилаётган ветеринария хизматлари турлари ва прейскуранти (нарх)лари тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш;

итнинг ҳолати, касаллиги ва ўтказилган муолажалар ҳақида маълумот олиш;

итнинг касаллик ҳолатидан келиб чиқиб, уни изоляторда даволашга қолдириш;

тақдим этилган ит нобуд бўлганда, унинг жасадини Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий тузилмасидан олиб кетиш;

белгиланган тартибда шикоят қилиш.

18. Истеъмолчилар:

клиникага итни кўрикдан ўтказиш учун тақдим этиши;

ит ўтказган касалликлар, эмланганлиги ҳақида ҳамда саломатлиги билан боғлиқ бошқа зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши;

кўрсатилган ветеринария хизматлари учун прейскурант (нарх) бўйича тўловларни амалга ошириши;

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

изоляторда даволанаётган итни сақлаш ва озиқлантириш харажатларини қоплаши;

клиника мутахассисларининг тавсиялари асосида зоогигиеник талабларга мувофиқ итларни сақлаши ва озиқлантириши ҳамда даволаш-профилактика тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши;

ветеринария-санитария қоидаларига тўлиқ риоя этиши шарт.

5-боб. Кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш

19. Ветеринария хизматларини кўрсатишдан тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда Марказни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш учун белгиланган тартибда сарфланади.

20. Ветеринария хизматларини кўрсатиш босқичма-босқич амалга ошириладиган бўлса, кўрсатилган хизматлардан келиб чиққан ҳолда тўловлар бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин.

21. Итни даволаш жараёнида бошқа касалликлар аниқланганда, уларни бартараф этиш ва соғломлаштириш харажатлари қўшимча равишда истеъмолчи ҳисобидан амалга оширилади.

22. Истеъмолчилар томонидан ветеринария хизматлари кўрсатишдан фойдаланиш рад этилган тақдирда, хизмат кўрсатилмаган қисми учун тўланган маблағлар қайтариб берилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

23. Ветеринария хизматларини кўрсатишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик
шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-
диагностика ишлари бўйича пулли хизматлар
кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория диагностика ишлари бўйича пулли хизматлар

РЎЙХАТИ

Т/р	Марказ томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган пули хизмат тури	Пулли хизмат учун тўлов миқдори
1	Истеъмолчиларга маслаҳат бериш ва рецепт ёзиш	БҲМнинг 10 фоизи
2	Доривор моддаларни тери ичига, тери остига, мушак ичига юбориш	БҲМнинг 5 фоизи
3	Кесилган ва йиртилган жароҳатларни тикиш ва даволаш	БҲМнинг 40 фоизи
4	Ит томоғидан ёт нарсаларни олиш	БҲМнинг 10 фоизи
5	Туғишга ёрдам бериш	БҲМнинг 50 фоизи
6	Бачадонга доривор моддаларни юбориш ва ҳуқна қилиш	БҲМнинг 10 фоизи
7	Ўсма ва абцессларни олиш	БҲМнинг 20 фоизи
8	Жароҳатларга боғлама қўйиш	БҲМнинг 20 фоизи
9	Итнинг думини кесиш	БҲМнинг 20 фоизи
10	Итнинг қулоғини кесиш	БҲМнинг 30 фоизи
11	Итнинг қулоғини тозалаш	БҲМнинг 10 фоизи
12	Синган жойга шина қўйиш	БҲМнинг 10 фоизи
13	Синган жойни гипс қилиш	БҲМнинг 20 фоизи
14	Кесаров усулида кесиш	БҲМнинг 30 фоизи
15	Буғозликка текшириш	БҲМнинг 20 фоизи
16	Ошқозон бўлимларини даволаш	БҲМнинг 10 фоизи
17	Озуқадан заҳарланишни даволаш	БҲМнинг 20 фоизи
18	Итларда модда алмашинуви бузилиши касалликларини даволаш	БҲМнинг 20 фоизи
	Лаборатория текширишлари	
19	Микроскоп ёрдамида текширувлар	БҲМнинг 10 фоизи

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

20	Қоннинг биохимик текширувлари	БҲМнинг 10 фоизи
21	Қоннинг клиник текширувлари	БҲМнинг 10 фоизи
	Диагностик текширувлари	
22	Ультра товуш текширувлари (УЗИ)	БҲМнинг 10 фоизи
23	Рентгент текширувлари	БҲМнинг 20 фоизи
24	Итнинг физиологик етилишини аниқлаш	БҲМнинг 10 фоизи
	Махсус тадбирлар	
25	Дегельминтизация	БҲМнинг 10 фоизи
26	Эктопаразитларга қарши ишлов бериш	БҲМнинг 10 фоизи
27	Ўлат ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмлаш	БҲМнинг 10 фоизи

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик
шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-
диагностика ишлари бўйича пулли хизматлар
кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пулли хизмат кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Истеъмолчи	Марказга ветеринария хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилади (“Ягона дарча” божхона ахборот тизим орқали юборади).	Зарур бўлганда
2-босқич	Миллий кинология маркази ходимлари	1. Тақдим этилган мурожаатларни қабул қилади ва рўйхатдан ўтказади. 2. Истеъмолчиларни ветеринария хизматлари рўйхати ва прейскуранти (нархлари) билан таништиради. 3. Танланган ветеринария хизматлари бўйича истеъмолчи билан шартнома тузади.	Мурожжат тушганда
3-босқич	Истеъмолчи	1. Клиникага итни кўрикдан ўтказиш учун тақдим этади. 2. Кўрсатилган ветеринария хизматлари учун прейскурант (нарх) бўйича тўловларни амалга оширади. 3. Изоляторда даволанаётган итни сақлаш ва озиқлантириш билан боғлиқ харажатларни қоплайди.	Шартнома тузилгандан сўнг
4-босқич	Марказнинг ихтисослаштирилган ветеринария хизмати ходимлари	1. Истеъмолчиларга сифатли ветеринария хизматларини кўрсатади. 2. Юқумли касаллик борлиги хусусида шубҳа мавжуд бўлган тақдирда, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасини зудлик билан хабардор қилади. 3. Кўрсатилган ветеринария хизматлари юзасидан истеъмолчиларга маълумот тақдим этади.	Шартнома тузилгандан сўнг

ҚҲММБ: 09/21/21/0040-сон
18.01.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 18 ” январдаги 21 -сон қарорига
6-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 декабрдаги 1029-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

“жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пулли хизмат кўрсатиш”;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 4-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

“жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пулли хизмат кўрсатиш”;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3